Ўзбекистон Республика Давлат Ахборот Қўмитаси
№ 24497

КЎЗИ ОЧИЛГАН ЧАШМА

ТОШКЕНТ. Чиноз туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигининг "Тиллаобод" маҳалласида аҳоли артезиан қудуғидан фойдаланарди. Кутилмаганда сув шўрланиб қолди. Сув машинада ташиб турилди. Шунда сойликда бир чашманинг кўзи очилди. Бу обиҳаётнинг мусаффо ва ширинлиги ҳаммани ҳайратга солди. Маҳалла аҳлининг мушкули осон бўлди.

Отабек ХУДОЙКУЛОВ.

СУТ, ҚАЙМОҚ, ПИШЛОҚ

БУХОРО. "Бухоросут" ҳиссадорлик жамияти жамоаси истеъмолчилар талабини ўрганиб, маҳсулот турини кўпайтирмоқда. "Дўстлик", "Янтарь" каби пишлоқлар, бринза, қаймоқ ва музқаймоқ каби 15 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқараётгани кўпчиликка маъқул келяпти.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЧОРВА МОЛЛАРИ КИМОШДИСИ

АНДИЖОН. Вилоят наслчилик ҳиссадорлик бирлашмасида чорвадорлар учун зотли қорамолларнинг кимошди савдоси ташкил этилди. Савдога Қўрғонтепа туманидаги "Савай", "Қўрғонтепа", "Аваз" деҳқон-фермер ҳамда Избоскан туманидаги "Пойтуғ", "Ўзбекистон", Марҳамат туманидаги Раҳимбобоев номли хўжаликларнинг қорамоллари қўйилди. Дастлабки баҳоси 2 миллион 817 минг 300 сўм бўлган 75 бош қорамол 3 миллион 207 минг сўмга сотилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

МАРКАЗГА АСОС СОЛИНДИ

САМАРҚАНД. Пахтачи туманидаги Аллаёров номли жамоа хўжалигининг "Мисит" маҳалласида "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази биноси учун пойдевор қўйилди. Бўлажак марказда оталар чойхонаси, кутубхона, тадбирлар ўтказиш зали, маиший хизмат шўъбалари бўлади. Ҳозирданоқ марказ атрофи ободонлаштирилиб, дов-дарахтлар ўтказилмоқда.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1997 йил 12 апрель, шанба № 44 (22.128).

ШИРМОНБУЛОҚ МАРМАРИ

АНДИЖОН. Ширмонбулоқ тош кони қошида ташкил этилган «Тоғи-тош» кичик корхонаси иш бошлади.

Ҳозир корхонани янада кенгайтириш, замонавий технология билан жиҳозлашга киришилган. Шу мақсадда Италия билан ҳамкорликда йилига 100 минг квадрат метр сифатли қурилиш мармари ишлаб чиқарадиган янги цех барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Ҳарбий эксперт-лар жамоаси Албаниянинг халқаро ҳарбийлар контингенти қабул қилишга қандай тайёргарлик кўрганлигини текшириш учун ушбу мамлакатга келди.***

* * *

☑ ***Эквадор олий суди мамлакатнинг собиқ Президенти Абдулла Букаррамни қамоққа олиш ҳақида фармойиш берди. У ўз лавозимидан шахсий мақсадда фойдаланиб, давлатнинг пул маблағларини ўғирлаганди. Эквадор Олий суди раиси Карлос Солорзано Президентнинг собиқ маслаҳатчиси Марко Албуджани ҳам молиявий ғирромликларга шерик сифатида қамоққа олишга ордер берган.***

* * *

☑ ***Италия парламенти Италиянинг Албаниядаги кўп миллатли қуролли кучлар қаторида ушбу мамлакатга ёрдам беришини қўллаб-қувватлади.***

* * *

☑ ***Россия Федерацияси ҳукуматининг раҳбари Виктор Черномирдин ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирликлари ҳақидаги низомни тасдиқлади.***

* * *

☑ ***Латвия давлати ушбу мамлакатда доимий яшаб туриб, паспортга эга бўлган нофуқаро кишиларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга тайёр.***

* * *

☑ ***15 апрелдан бошлаб Литвада алкогол ичимликлари, тамаки маҳсулотлари ва бензин нархи кескин кўтарилади. Бу ҳақда Бош вазир Гядиминас Вагнорюс хабар берди.***

* * *

☑ ***Испания касаба уюшмалари ва тадбиркорлар меҳнат бозорини ислоҳ қилиш ҳақида келишиб олдилар.***

* * *

☑ ***Агар вазият кескинлашадиган бўлса Исроил яна ўз қўшинларини Хеврон ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоқларига киритиши мумкин, — деди Исроил мудофаа вазири.***

* * *

☑ ***Бугун НАТО Бош котиби Канадага ташриф буюради. У бу ерда Шимолий Атлантика Иттифоқи ва Россия ўртасидаги шартномалар имзоланиши билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилади.***

* * *

☑ ***Профессор Дебейки Борис Ельцин ўн йил давомида соғ-саломат юраверади, деб кафолат берди.***

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 11 апрель куни Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркавсни қабул қилди.

Республикамиз раҳбари Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлар экан, жаноб В. Биркавснинг мазкур ташрифи икки мамлакат алоқаларининг янада ривож топишига хизмат қилади, дея ишонч билдирди.

В. Биркавс Латвия Ўзбекистон билан ҳар томонлама ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланишидан манфаатдор эканини қайд этиб, Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги асосий ҳамкор сифатида танлаганимиз тўғрилигини вақт исботламоқда, деди.



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Учрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, турли соҳалар бўйича имзоланган ҳужжатларни ҳаётга тўла тадбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Вилцанс ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

11 апрель куни мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркавс Узбекистон Бош вазири Уткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида транспорт, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ҳамда молия соҳаларида, хусусан банкларарo ҳамкорликни кенгайтириш ва бу борадаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Узбекистон Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ДАСТУРИЙ ЛОЙИҲА ИМЗОЛАНДИ

НУКУС. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Холид Малик Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ва ҳукумати раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, бирлашма ва уюшма раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Бу ерда, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан экология, саломатликни сақлаш, Оролбўйи ҳудудида яшаётган аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, кредитлар бериш дастурий лойиҳасини имзолаш маросими ҳам бўлди. Ҳужжатларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Б. Бектурдиевлар имзо чекдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков учрашувда БМТ раҳбариятига ушбу ташкилотнинг мазкур минтақага кўрсатаётган эътибори, амалий ёрдамлари учун миннатдорчилик билдирди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ҚУРУЛТОЙИ

11 апрель куни Истанбул шаҳрида туркий давлатлар ва жамоаларнинг дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик 5-қурултойи очилди. Унда барча туркий давлатлардан, Россиядаги мухтор турк жумҳуриятларидан, Европа, Америка, Австралия, қўйингки, дунёнинг турли бурчакларида яшаётган туркий қавмлардан вакиллар қатнашяпти. Ўзбекистон маданият ишлари вазири Х.Жўраев бошчилигидаги республикамиз ҳайъати ҳам анжуманда иштирок этяпти.

Қурултой Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг раҳнамолигида туркий давлатлар ва жамоаларнинг дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик жамғармаси (ТУДЕВ) томонидан беш йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади. Илгари У Анталья (1993), Измир (1994-95), Анқара (1996) шаҳарларида бўлиб ўтган эди.

ТУДЕВ бош котиби профессор Абдулҳолиқ Чайнинг таъкидлашича, қурултойнинг асосий мақсади туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатиш, фан, маданият ва маориф соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Қурултой 13 апрель куни якунланади.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири,
Анқара шаҳри.

Партия ахбороти

ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг навбатдаги XIII пленуми бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари вилоят партия ташкилотининг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVII пленуми якунларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этдилар. Ушбу масала юзасидан вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов маъруза қилди.

Пленум кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов ва Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Ҳ. Аҳмедов сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ЯХШИ ИШЛАГАН ҲАМ, ЁМОН ИШЛАГАН ҲАМ БИР... ЭМАС

Ўтган йили Жарқўрғон туманининг ўн битта хўжалигидан 8таси пахта тайёрлаш режасини бажармади.

Хўжаликлар ўз ишчилари маошидан 10-15 миллион сўмлаб қарздор бўлиб қолдилар.

Режани бажармаганни «қолоқ» дейишга, режани бажарганни «яхши ишлади»га чиқаришга ўрганиб қолганмиз. Лекин хўжаликнинг қологи ҳам, яхши ишлагани ҳам қарздор бўлиб ўтирса, табиийки, ҳайратимиз ошади.

Жарқўрғонда ҳам шу ҳол кўзга ташлангандай бўлди. Туманнинг Алишер Навоий номли хўжалиги катта ҳосил олиб ҳамки, иш ҳақидан 14 миллион сўмча қарз бўлиб тургани одамларда, яхши ишлаган ҳам, ёмон ишлаган ҳам бир экан-да, деганга ўхшаш фикр уйғотмайдими?..

Лекин, барибир, яхши ишлаган яхши экан. Эрта баҳорда жамоа бошқаруви аъзоларига 1 миллион сўм маош улашди. Заводдан арзон баҳода пахта мойи олиб келиб берди. Баҳодир Алиёров (раис)нинг айтишича, яқин орада ўз тасарруфларидаги пахта толасини сотадилар ва маошдан қарзларини батамом узадилар.

Дардинг бўлса ҳам қарзинг бўлмасин, деган гап бор.

Хўжаликнинг ўзига яраша муаммолари оз эмас. Лекин ёш раис Б. Алиёров бу дунёнинг оғир юкларидан бири — қарз юкини енгиллатиб ишлашга ўрганиб бораяпти.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ ЧИРОҚЛАРИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг айрим тоғ қишлоқларини электрлаштириш ҳақидаги 1996 йил 26 декабрда қабул қилган қарори ҳаётий зарурият эди. Ушбу мақола ҳукуматимизнинг муҳим қарорини бажариш учун техника юролмайдиган дараларга йўл очган, зил-зил симёғочларни не-не машаққат чекиб ташиб борган, хуллас, нур элтган қурувчилар ҳақида...

— Қўшни Тожикистонга туташ тоғ қишлоқларидан бирида ғалати ускунани кўрдик. Тарновга йўналтирилган сув йўлига бир неча тош қўйиб қўйилган экан. Узига хос мосламанинг сири шунда эканки, тош тусиқлар электр токини кўпайтириш ёки камайтиришга хизмат қиларкан. Парракка сув кўп урилса кўпроқ, оз урилса озроқ электр қуввати пайдо бўларкан. Тўй ёки бирор тадбир уюштирилганда, сув йўлидаги тошларнинг ҳаммаси олиб қўйиларкан. Одамлар шароит ниҳоятда оғирлиги, не қийинчилик билан топиб келинган электр ҳосил қилувчи содда ускунанинг бузилиб қолишидан чўчиб, шундай йўл тутишга мажбур эдилар-да.

Албатта, тараққиётнинг ўз қонуниятлари бор. Марказлашган қишлоқ ва қўрғонларга озми-кўпми коммуникация, маиший хизмат тармоқлари кириб келди. Аммо тоғбегилари, урмончилар, яйлов шунқорлари бўлган кишилар истиқомат қилаётган қишлоқлар эса эътибордан четда эди. Бироқ ота-боболари чироғини ёқиб ўтирган тоғликлар умид билан яшашарди...

Улар фақуропарвар йўлбошчини орзу қилишарди. Кийик юрадиган сўқмоқлардан юриб келадиган кишини кутишарди!.. Ана шундай киши — юртбошимиз бўлдилар. У киши Қашқадарё вилоятини бошқарган кезларида, оғир шароитда истиқомат қилаётган қишлоқлар аҳолиси ҳузурига бориб, турмушлари билан бевосита танишдилар! Айрим муаммолар ўз ўрнида ҳал қилинди. Юртимиз истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ бундай қишлоқларда тиббий, маданий хизмат кўрсатиш тадбирлари амалга оша бошлади. Бирғина Китоб туманининг тоғдаги бир неча қишлоқлари бундан баҳраманд бўлишди. Имкон етгунча электр ўтказиб, телекўрсатувларни етказувчи ускуналар ўрнатилди. Ниҳоят, бундан-да мураккаб шароитдаги ўнлаб тоғ ва қишлоқларни электрлаштириш ҳақида ҳукумат қарори чиқди!

Бу ўта мураккаб вазифа Шаҳрисабздаги 14-механизациялашган кўчма жамланма зиммасига юклатилди. Тажрибали муҳандис Орзи Раҳимов раҳбарлик қилаётган бу ташкилот нурчилари бошқа туманларда ҳам кўплаб мураккаб ишларни бажаришган, айни пайтда вилоятнинг етти туманида хизмат кўрсатишарди. Қарийб 80 кишилик жамоанинг фаолиятида ҳукумат қарорини бажариб, чўққиларга ёндош қишлоқларга нур олиб борганлари яна бир матонат синови бўлди.

— Майданак яқинидаги, Қамаши туманига қарашли Қизилтом қишлоғига электр тармоғини тортиб бориш жуда оғир кечди — дейди ерни уювчи машина бошқарувчиси Маҳмуджон Қаюмов. — Атроф нуқул тош. Бунинг устига техника ўтадиган йўлнинг ўзи йўқ. Сой сувлари оқиб ярим метрга ча музлаган жойларни лом, болта билан парчалаб, трактор ва машиналарни судраб ўтардик. Симёғочлар учун чуқурни кўркилар билан кавладик...

— Дарҳақиқат, иш оғир эди, — дейди ташкилот раҳбари Орзи Раҳимов. — Сим тортиладиган ҳар бири ўртача 1 тонна 200 килограммдан кам бўлмаган бетон устунларни ташиб боришни кўз ўнгингизга келтиринг-а?! Яхшиямки, қурувчиларимиз Қозоғистон, Сурхондарёдаги муҳим иншоотларда ишлаб тажриба орттиришган эди. Дастлаб дам портлатиб, дам бульдозерлар билан текислаб, қишлоқларга йўл солдик. Жами 45 хонадон яшаётган, Яккабоғ туманидаги Зармас қишлоғига йўл қуриш ва сим тортилиши машаққатли кечди. Аммо қишлоқ аҳолиси йиллаб кутган орзулари ушалаётганини кўриб, қурувчиларимизга бажонидил ёрдам беришди. Ўтган 1996 йилда жами 56 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарган бўлсак, шунинг асосий қисми тоғ қишлоқларида электр тизимини яратиш билан боғлиқ.

— Орзи ака, бир-иккита масалага ойдинлик киритсангиз. Аввало, айтинг-чи, шунча харажатлар билан тоғ қишлоқларини электрлаштириш ўзини оқлайдими? Электр жиҳозлари, қурилиш ашёларини қандай топаяпсизлар? Ҳар ҳолда, бундай муаммо кўпгина ташкилотларда мавжуд.

— Эскиларни ямаб ишлатяпмиз десам ишонасизми? — дейди Орзи Раҳимов кулимсираб. — Илгари 1 килограмм сим 84 тийин эди. Ҳозир тоннаси 200 минг сўмдан зиёд. Бошқа ашёлар ҳам шундай. Китоб туманидаги айрим қишлоқларга бетон устунларни чиқариш иложи йўқлиги туфайли анча-мунча ёғоч тусинлар топишга тўғри келди. Техника воситалари ҳам эскирган. Тузатиб, таъмирлаб, ишлатишга мажбурмиз. Аммо ташкилотимиз қурилишларни тўхтатган эмас. Фақат бажарилган иш учун маблағ ўз вақтида тўланса, бас. Бизга юклатилган ўнта қишлоқдан тўққизтасини электрлаштиришга муваффақ бўлдик. Буни одамлар орзиқиб кутишган эди. Менимча, ўша тоғ қишлоқлари аҳолисини иш билан таъминлаш, кичик корхоналар қуриш, янги ерлар ўзлаштириш масаласи эндиликда ижобий ҳал бўлади. Масалан, Шаҳрисабз туманидаги биз электр симларини тортиб борган Аспидўхтар қишлоғида 350 гектар ерни ўзлаштириш мумкин экан. Электр насослар ўрнатилса, ер очиб, минг тонналаб картошка етиштирилади. Ерлари унумдор, одамлари меҳнатсевар. Бундай имкониятлар бошқа тоғ қишлоқларида ҳам бор.

Ҳа, ҳар бир ишда келажакнинг режаси мавжуд. Мусобозор, Лангар, Зармас, Ҳисор каби қишлоқларда ҳукуматимизнинг қарори асосида катта қурилиш ишлари бажарилиб, симлардан қаҳрабо қувват оқа бошлади. Булар тоғликлар йиллар давомида умид ва ишонч билан кутган чироқлар эди!..

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот ва масъулият

Инсон манфаатлари йили

САЛОМАТЛИК ВА КЕЛАЖАК УЧУН

1997 йил мамлакатимизда «Инсон манфаатлари йили» шиори остида ўтмоқда. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги халқаро қўргазмалар мажмуи — «Узэкспомарказ»да шу ҳафтада ўтган «Соғлиқни сақлаш-97» учинчи халқаро кўргазмаси катта қизиқиш уйғотди. Зеро, унда жаҳондаги 25 мамлакатдан юздан ортиқ етакчи фирма ва корхона қатнашди. Дарвоқе уларнинг учдан бир қисми илк бор бу ерда ўз маҳсулотларини намойиш этди. Тиббиёт ходимлари ва кўргазмага ташриф буюрганлар жаҳондаги тиббиёт соҳаси бўйича энг сўнгги ютуқлар билан танишиб, ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янги амалий алоқаларни ўрнатиш учун яхши имкониятга эга бўлдилар.

Анъанавий халқаро кўргазмада Германиянинг «Карл Цейс Йена» корхонаси экспозицияси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, унинг тамғаси туширилган оптика маҳсулотлари жаҳонга машҳур. Мамлакатимизнинг анъанавий ҳамкори бўлган «Карл Цейс Йена»нинг офтальмология асбоблари ва микроскоплари халқимиз саломатлиги учун хизмат қилмоқда. Чунончи республика кўз касалликлари шифохонасида Марказий Осиёда ягона бўлган лазерли ташхис ва хирургия маркази муваффақиятли ишламоқда. Ҳозирга қадар бу ерда 120 мингга яқин беморга малакали ёрдам кўрсатилди. 130 мингдан ортиқ контакт линзаларини МДҲ мамлакатлари харид этди. Шунингдек, республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси буюртмасига кўра энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган Германиянинг 15 та автомашина — амбуланси саломатлик учун, келажак учун ишламоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг «Ўзбекистон овози» кўчаси, 32-уйда «Цейсс» ва «Шотт» гуруҳларининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳам очилди. «Мақсадимиз — дейди ваколатхона бошлиғи жаноб Лотар Умланд, — ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштиришдан иборат».

Алишер РЎЗИЕВ.



СУРАТДА: республика кўз касалликлари касалхонасидаги лазерли ташхис ва хирургия марказида бемор кўрикдан ўтказилмоқда.

Раислар кооператив номини эшитиб, яккаҳокимлик қўлдан кетади-ёв, деб чўчиб юришганида, Шўрахонда республикада биринчи бўлиб Сержоновларнинг чорвачилик кооперативи иш бошлади. Ҳозир бу хусусий ферманинг довруғи бутун Қорақалпоғистонга ёйилган.

Бу йил туманда энг кўп майдонда плёнка остига чигит экиш ҳам Шўрахонда режалаштирилди. Энди яна бир янгилик шуки, яқинда Шўрахон фермерлар уюшмаси ёпиқ ҳиссадорлик жамияти сифатида иш бошлади.

Бу синов, тажрибаларнинг сабаби — фақат Шўрахонда шароитларнинг яхшилигигина эмас, балки уюшма бошқаруви раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Азимбой Абдукаримовнинг янгиликка қизиқувчанлигида ҳамдир. Бирон иш бошладими, охирига етказмагунича тиниб-тинчимайди. Ҳозиргача ҳамма иши муваффақиятли бўлган.

— Азимбой ака, бир «эксперимент»ингиз натижаси ҳақида газетхонларга айтгим келяпти. Пилламизни ўзимиз сотамиз деб, тайёрлаш идорасига топширмай, хўжалик омборида сақлаб кўйганингизда, юқорига «машаққатлар билан етиштирилган ҳосил нобуд бўлиш хафи остида» деб шошилинчномалар йўлланганидан хабарим бор...

— Ҳарқалай, ўша «тажриба» муваффақиятли чиққанига хурсандман. 1995-1996 йиллар пилла ҳосилини ўзимиз сотдик. Агар бундан келган қўшимча даромад юз мингларни ташкил этган бўлса, бу йил миллионлар ҳақида гапириш ниятимиз бор. Пиллани қайта ишлаш цехи биносини қуриб, ип олиш жиҳозларини созлаб қўйдик.

— Раислар билан суҳбатлашсам, айримларининг «техникамиз хароб аҳволда. Шу кетишда ҳосилдорлик пасаяди, дотация берилсайди», деган гапларини эшитиб қоласан...

— Қишлоқ хўжалик ташкилотларининг банклардан олган қарзларининг қўшимча фоизларидан кечилиши, шунингдек, қарзларини 2000 йилгача фоизсиз тўлашлари

«ЛОҚАЙД БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ»

Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалик соҳасида бирон тажриба бўлса, энг аввал Тўрткўл туманидаги Шўрахон фермерлар уюшмасида синаб кўрилади

каби катта имкониятлар нақадар катта дотация эканлигини, бу ғамхўрликка жавоб бериш лозимлигини раисларгина эмас, ҳар бир деҳқон ҳам тушуниши лозим!

Бугун далаларимизда ўнта «Кейс» ишлаётган бўлса, эртага уларнинг йигирмата, элликта бўлишига ишонаман. Ишлашни истаган одам баҳона қидириб ўтирмайди. Бундан бир неча йил олдин қишлоғимизда оралиқ экинлар ҳақида тасаввур ҳам, уларга эътибор ҳам йўқ эди. Бугун эса деҳқон ерга муносабатини ўзгартиришга мажбур. Кузги буғдой ўрнига экилган маккажўхоридан 150 центнердан ҳосил олинди. Сабзавот, жумладан, помидор, карам, булғор ғармдориси аввал томорқанинг бир четига, эҳтиёж учунгина экилган бўлса, кейинги икки йил ичида гектарлаб етиштирилди. Сабаби — деҳқон ҳосилига дала бошидаёқ харидор топилишига ишонди. Ҳамқишлоқларимиз ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қўшни вилоятларга, қўшни давлатларга олиб бориб сотиб, эвазига зарур молларни олиб келишяпти.

— Кейинги икки йил ичида уюшма ҳудудида ўнлаб янги хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг пайдо бўлгани ҳам шу ўй-режаларнинг натижасими?

— Қишлоғимизда аҳоли зич жойлашган. Ер кам. Иш жойлари эса етарли. Янгилари очиляпти. Маиший хизмат кўрсатиш уйимиздаги «Нафосат» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятида 300 дан ортиқ йигит-қизларимиз ишлайди. Яқиндагина очилган сутни қайта ишлаш цехида ҳам 15 киши иш билан таъминланди. Қишлоғимизда икки ҳаммом бор. Яқинда бир тадбиркоримиз келиб, уюшма марказида фин ҳаммоми қуришга рухсат сўради. Қураверинг дедим, ер ажратиб бердик.

Хулласи калом, қишлоқда хизмат кўрсатувчилар қатлами шаклланяпти.

— Ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шаклида ишлашни уюшма аъзолари қандай кутиб олдилар?

— Уюшмада ишлаган, ишлаётган барча ҳамқишлоқларимизга уюшма мулкидан улуши ҳақидаги гувоҳномаларни топширдик. «Уюшмада 30 йил ишлаган экансиз, улушингиз 14 минг 683 сўм бўлибди. Уюшма кўрган фойдадан дивиденд оласиз, отахон», — дедим гувоҳнома

Депутат минбари

бераётиб Йўлдош ота Рўзимбетовга.

Шубҳасиз гувоҳнома олган ҳар бир кишининг дивиденд олиши, демакки, уюшманинг фойдаси учун ҳаракат қилиши аниқ. Хуллас, ҳиссадорлик жамияти қишлоқ кишиси онгида мулкдорлик, эгалик ҳиссини тарбиялашда муҳим бир омил бўлолади.

— Раҳбарлик лавозим эмас, қисмат дейишади. Депутатликка нисбатан ҳам шу иборани қўллаш мумкинми?

Халқ менга ишониб ўзининг вакили қилиб сайлаган экан, буни мен бир поғона баландга кўтарилиш, айни пайтда зиммамга тоғдек масъулият юклаш деб қабул қиламан.

Бугунги кунда Олий Мажлисда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзосиман. Кишиларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда, иқтисодиётда фаоллашиб бормоқда. Шундай шароитда депутатнинг, ҳар бир раҳбарнинг оддий нарсаларга нисбатан ҳам лоқайд бўлишга ҳаққи йўқ!

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

ФАРҒОНАДА ҚЎЙЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ БОРМИ?

Журналист муаммо қўяди

Ҳар йили кеч баҳорда водий кенгликларидан атроф тоғлар томон ўрлаган ўнлаб йўлларда бир хил манзара: юқорига интилаётган юзлаб қўй сурувларига дуч келасиз. Пахмоқ соқол серкалар «ёв»ида, бурибосар итлар қўриғидаги қўй-қўзилар атрофни ўзига хос шовқин-сурон ва чанг тўзонга кўмиб Чўнг-Олой, Чотқол яйловлари томон ҳайдалади. Кузда яна шу манзара. Сурувлар тўрт-беш ой тоғ яйловларида боқилиб яна юзлаб чақирим пастга, водийдаги ўз доимий манзилгоҳларига қайтадилар. Бу машаққатли борди-келдида ҳар йили 400-500 минг бош қўй, кўплаб қорамол, от-улов, машиналар, юзлаб чўпончўлиқ оилалари иштирок этади.

Бу ҳол собиқ қизил империядан қолган ўнлаб машъум меросдан биридир. Қадимда Фарғонада қўй сурувлари водий яйловларида, қир-адрларида, Марказий Фарғона чўлларида боқилган. Аммо 30-йиллар охирларида Фарғона водийсида кўплаб ерлар ўзлаштирилиши, яйловларнинг пахтазорларга айланиши туфайли 1 миллион бошдан ортиқ қўй сурувларини боқиш имкони қолмади. Ана шунда «халқлар отаси» Сталиннинг фармойишига кўра қўшни Қирғизистон тоғларидаги яйловларнинг бир қисми водийдаги Ўзбекистоннинг уч вилояти қўй сурувларини боқиш учун ажратиб берилди. Бироқ йиллар ўтиши билан қўйчилик республикаси ҳисобланган Қирғизистоннинг ўзида ҳам яйловлар торлик қилиб қолди. Қирғиз биродарларимизда ҳам қўйлар бош сони аллақачон 10-12 миллиондан ошиб кетган эди. Оқибатда икки қўшни юрт қўйчивонлари орасида яйлов талашиш ҳоллари, онда — сонда бўлсада, учрай бошлади.

Кейинги ярим аср тажрибаси шуни кўрсатдики, водийдаги пахтакор хўжаликлари учун бу тарзда қўй боқиш асосан зарар келтираркан. 10 минглаб бош қўй-қўзини юзлаб чақирим масофага ҳар йили икки карра ташиш харажатлари туфайли қўйчилик аксарият хўжаликларнинг иқтисодиётини орқага тортиб турадиган соҳага айланди. 90-йиллар бошларидаёқ кўплаб хўжаликлар ўзларидаги иқтисодий ислоҳотларни... қўйчиликни тугатишдан бошлашгани бежиз эмас. Масалан, Тошлоқ туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалигида 1992 йилиёқ мавжуд қўйлар жамоа аъзоларига тарқатиб юборилган. Водийдаги бу дастлабки дадил тажриба афсуски муваффақиятсиз чиқди. Одамларга тарқатилган қўй-қўзилар кўпайиш ўрнига камайиб кетди.

— Ўша йиллари ҳам вилоятда 100-200 минг бош қўйни боқиш учун шароит топса бўларди, — дейди Фарғона вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шарифжон Ғофуров, — чунки баҳорда, ҳали қўй тоғ яйловларига ҳайдалгунча боқиб туриш учун майдонлар бор эди. Биргина Фарғона вилоятида 45 минг гектар бедазор мавжуд эди. Кузда эса Олой ва Чотқолдан қайтган сурувлар пахтаси териб олинган майдонларда шудгорга қадар ўтлатиларарди. Эсимда тажрибали раислар атай ўз пахта пайкалларидан 10-15 гектар ерни шудгор қилдирмай қолдиришар, боиси кеч кузда шу майдонларга қўй ҳайдаларди.

Кейинчалик бедапоялар кескин қисқарди. Айни пайтда вилоятда 18 минг гектарга яқин ерга беда экилган, холос. СССР тарқаб кетгач бу борада яна бир муаммо пайдо бўлди. Охирги йиллари Қирғизистон ҳукумати ўз яйловларида ижарага қўй боқувчилар учун чет эл валютаси ҳисобида ҳақ тўлашни жорий этди. Натижада ўтган йили Чўнг-Олой яйловларининг ҳар бир гектари учун Ўзбекистон томони 4-6 доллардан ижара ҳақи берди. Биргина Фарғона вилояти қўйчилари 1996 йили Чўнг-Олой яйловларида 4-5 ой боқилган 68 минг бош қўй учун нақд 185 минг доллар тўлашди. Қатнов, қўй юрадиган йўлларни таъмирлаш, сел олиб кетган қўприкларни янгилаб қўйиш, ёнилғи мойлаш, техника харажатлари бундан мустасно.

— Хўжалигимизда 700 бош қўй қолган, — дейди Олтиариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Аваз Мингбоев. — Лекин шу қўй ҳам оёғимизга тушов бўляпти. Қаранг, Олой яйловларига валюта ҳисобида кира ҳақи тўлашдан ташқари чўпонлар кўчкўрони, оилаларини ташиш, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун 5 минг литрга яқин бензин сарфлаймиз. Йўл харажатлари, божхоналардаги тортишувларни кўяверасиз. Кўпгина хўжаликлар қўй бош сонини камайтириб юборишяпти. Аслида эшовидан тушови қиммат деганлари шу.

Фарғона вилояти хўжаликларида қўйчиликка сарфланадиган умумий сарф-харажатнинг 30 фоиздан ортиғини Қирғизистон яйловларига қўй олиб чиқиш билан боғлиқ харажатлар ташкил этади. Бунинг устига тоғ йўлларида турли фалокатлар рўй бериб туради.

Вилоятда ер майдонларининг чегаралганлиги, ўзлаштириш учун захира ерлар деярлик қолмагани, ем-хашак экинлари майдонларининг эса 1992-93 йилларга нисбатан қарийб 3 баравардан зиёд қисқаргани оқибатида Фарғонада ҳозир бир шартли қорамол ҳисобига атиги 0,20 гектар экин майдони тўғри келади, холос. Албатта, бундай шароитда чорва ва айниқса қўйчиликни ривожлантиришда катта муаммолар пайдо бўлиши табиий. Жамоа хўжаликларида кейинги йилларда қўйлар бош сонининг кескин камайиб кетиши сабаби ҳам шу. Ахир яқин даврда ҳам 400 минг бош қўйга эга бўлган вилоят жамоа хўжаликларида айни пайтда 106 минг бош қўй қолганини шу билангина изоҳлаш мумкин. Афсуски, ҳатто шу миқдордаги қўй сурувларини сақлаш ҳам хўжаликлар манфаатларига хизмат қилмаяпти. 1995 — 96-йиллари вилоят жамоа хўжаликлари ёлғиз қўйчиликнинг ўзидан 15 миллион сўмдан ортиқ зарар кўришди.

Хўш, Фарғонада қўйчилик соҳаси кириб қолган боши берк кўчадан чиқишнинг иложи борми? Тажрибали чорвадорлар, мутахассислар билан суҳбатларда улар ҳар икки томон учун мақбул бўлган шартлар асосида ижара яйловларда қўй боқиш истиқболини истисно қилмаган ҳолда қўйчиликни ривожлантиришнинг бошқа йўлларини излаш лозимлигини таъкидлашди.

— Ота-боболаримиз беш — ўн бош қўйни кичик-кичик корхоналарда бурдоқига боқиш усулини қўллашган, — дейди вилоят ветеринария хизмати бошқармаси бошлиғи, қўйчилик соҳасида узоқ йиллар ишлаган, тажрибали мутахассис Ваҳобжон Мусинов, — ҳозирда ҳам миришкор қўйбоқарлар ўз хонадонларида вазни 100 килодан ошадиган бурдоқи қўйлар етиштиришади. Халқ орасида қўйнинг Ҳисори, Олой ва Жайдари зотларини чатиштириб маҳаллий иқлим шароитларига чидамли, тез семираётган қўйлар етиштирган тажрибали чорвадорлар кўп.

Дарҳақиқат, Қўқон, Марғилон шаҳарлари бозорларида шу кунларда ҳам семизликдан терисига сиғмай қолган, тирик вазни 100 килодан ошиқ бўлган қўйлар кўп учрайди. Ёзёвон туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида Кимсанбой ота Аҳмадалиев бор. Отахон ўзининг кичик ҳовлисида ҳар йили 10 бош атрофида қўй боқади. Қўйхона қишда иссиқ, жазирама ёзда эса қўйлар иссиқлаб қолмаслиги учун қўйхона тагидан ариқ ўтказилган. Оғил ёнида қўйларни чўмилтириш учун махсус ҳовуз. Улар ёйиқ қилдириладиган майдон бор. Қўйларга омихта ем, беда, табиий пичан бериб боқилади. Бу хонадон соҳиби ҳар йили эл дастурхонига 500-600 килограмм атрофида қўй гўшти етказиб бермоқда. Вилоятда бундай хонадонлар жуда кўп. Қизиғи шундаки, Фарғонада давлат ва жамоат секторидаги қўйлар сони камайиб бораётган бир пайтда шахсий хонадонларда қўй боши сони мунтазам ошиб боряпти. Агар 90-йиллар бошларида аҳоли қўлида 100 минг бош атрофида қўй-қўзи бўлган бўлса, ҳозирда бу рақам қарийб 310 минг бошни ташкил этади. Яъни, аҳоли қўлида жамоат секторига нисбатан икки — уч баравар ортиқ майда шохли чорва моллари сақланяпти. Бу эса кичик-кичик қўйхоналарда озоздан қўй парваришлашни афзал томонларини кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрича, водийда қўйчиликни ривожлантириш учун икки — уч йўналишда иш олиб бориш керак. Биринчидан, ихтисослаштирилган қўйчилик фермер хўжаликлари ташкил этиш даркор. Қўй гўшти ва жуни етиштиришга ихтисослашган бундай фермер хўжаликларда 40-50 бош атрофида қўйни яхши парваришлаб, бурдоқи қўйлар етиштириш мумкин. Ҳозирда вилоятдаги мавжуд фермер хўжаликлари ихтиёрида 5 минг бошдан ортиқ қўй бор. Аммо ҳозиргача ҳам вилоятда бирорта ихтисослаштирилган қўйчилик фермер хўжалиги ташкил этилмаган. Чорвачилик фермер хўжаликларида фермернинг ўз хоҳишига кўра оз миқдордаги қўй қўшимча чорва моли сифатида боқилади, холос.

Иккинчидан, аҳоли қўлидаги қўйлар сонини аниқ белгилаб 5-10 бош қўй боқаётган хонадонларни давлат йўли билан етарли даражада ем-хашак билан таъминлаш, уларга мунтазам ва сифатли ветеринария хизмати кўрсатиш керак.

Учинчидан, олимларимиз қўйлар наслини яхшилаш, водий шароитларига чидамли, тез ўсадиган майин жунли қўй зотларини етиштириб берсалар.

Бизнингча, одамлар қўлидаги қўйлар гўшти ва жунини давлат йўли билан харид қилиш, уларни моддий рағбатлантириш даркор. Бу борада шахсий ёрдамчи хўжалик уюшмаларининг мавқеини ошириш зарурга ўхшайди.

«Қўй боқинглар» дейиладиган пайғамбаримиз Ҳадисларида. Зеро, халқимиз қўй гўштини севиб истеъмол қилиши бежиз эмас. Қўйтукинчилик манбаи. Ўтмишда минг қўйлик одам йирик, бадавлат шахс ҳисобланган. Албатта, Фарғона вилоятида қўйчиликни ривжлантириш мустақил юртимиз манфаатларига хизмат қилади. Аммо ижара яйловларда, минг хил овараю сарсонлик, хўжаликларнинг мунтазам зарар кўриши шароитларида бу соҳани юксалтириш мумкинми? Фарғоналик қўйчивонлар шу саволларга жавоб излайдилар.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатлар

Хатлар

Хатлар

МЕҲНАТИМ ҚАДРЛАНСА...

Ассалому алайкум, азизларим!

Сизларга Самарқанд туманидаги «Мароқанд» жамоа хўжалиги, Деҳнав қишлоғида яшовчи нафақадор Икром Бобоев мурожаат қилаётир.

1993 йил май ойида мамлакатимиз Президентининг Фармони чиқди, унда 1941—1945 йилларидаги уруш вақтида мамлакат ичкарисида ишлаганлар маошига энг оз маошнинг 30 фоизи миқдорида пул қўшиб бериш, шунингдек, газ, электр энергияси, автобуслардан текин фойдаланиш каби имтиёзлар кўзда тутилган.

Мен ички ишлар соҳасида ишлаганман. Ҳозир нафақадаман. Юқоридаги Фармонни эслатсам, туман ижтимоий таъминотидаги ходимлар, бу Фармоннинг милиция ходимларига дахли йўқ деган баҳонада, менинг қонуний имтиёзларимни расмийлаштирмадилар.

Ёшим етмишга яқинлашди, уруш даврида колхозда аравакаш эдим, вояга етмаганимиз ҳолда, ҳамма катталар қатори, биз ёш болалар ҳам ишлаган эдик. Бу ҳақда архив ҳужжатлари бор-ку... Ёки бизнинг меҳнатимиз ҳисобга олинмайдими?

Сизларга узоқ умр тилаб,

Икром БОБОЕВ, Самарқанд вилояти.

ЭГАСИЗ АРИҚ

Биз Тошкент шаҳар, Янгиобод мавзеидаги Аҳмаджон Назаров маҳалласида яшаймиз. Биз яшаётган маҳаллада кўчанинг ўзидан ариқ ўтади. Канализация йўқ. Ариқнинг ҳидига эса ҳеч чидаб бўлмайди. Айниқса, иссиқ кунларда шундай сасий бошлайдики...

Мана, ҳозирдан ҳидига чидай олмаяпмиз. Тоза ҳаво, файзли жойлар йўқ бўлиб кетиши билан бирга, баъзи ҳолларда болалар ўртасида турли юқумли касалликлар ҳам чиқмоқда!

Сизлардан илтимос, шу муаммони тегишли мутасадди ходимларга етказсангиз. Балки ариқнинг эгаси топилиб қолар, деган умидда:

Маҳалла аҳли номидан СОҚИЕВ, ҚОСИМОВ, КОМИЛОВ, ОДИЛОВ.

СУҚСУР, КЛАРА ВА БОШҚАЛАР

Фарғонадан атайлаб сизларга мактуб йўллашга мажбур бўлдик. Боиси, «зангори экран» томошаларидан кейин кўпинча мулоҳазага борамиз, ҳатто баҳслашиб кетамиз. Тўғри, Ўзбекистон телевидениесида бериб бориладиган «Оталар сўзи, ақлнинг кўзи», «Соғинч», «Маърифатнома», «Одобнома», «Кулги кечалари», шунингдек, маънавиятимиз, қадриятимиз ҳамда Ватан ва истиқлолни улуғловчи кўрсатувлар маъқул келади. «Ўзбекфильм»нинг баъзи маҳсулотлари ҳам чакки эмас. Зеро, гуруч қурмаксиз бўлмас экан. Кейинги пайтларда русум бўлган кўп серияли фильмлардан, гарчанд ярмиси рекламадан иборат бўлса ҳам «Морена Клара»дан чарчадик. Шунингдек, вилоят телевидениесининг «Тараққиёт» студияси тавсия қилган «Антонелла» фильми ҳам ғашга тегмоқда. Ахир кино деганини кўришдан мақсад тарбиямизни маълум даражада йўлга солиш эмасми? Бир вақтлар Москвадан қўйиладиган фильмлардан ғижиниб, ҳатто ўчириб кўярдик. Энди нима бўлаяпти? Ўзиям, бир қизга минг ошиқ, дегандек воқеалар ёчими шунчалик чўзилиб кетганки. Фильмни экранга чиқаришдан олдин одобимизга зид бўлганини кесиб ташланса, маъноси бузилиб қоладими? Яна бир гап. Ҳаммага ёқиб, оғизга тушган «Кўнгил кўчалари»да ҳам воқеликка нафрат ва рағбат масаласи ойдинлашмай қолган. Ҳаммамиз биламизки Суқсур қандай қилиб дунёга келган. Хўш, унинг ҳаётда тутган ўрни нима бўлаяпти? Суқсурнинг бир хатосига иккинчи хатони қўшилишига тоқат қилиб бўлмайди. Бу ҳаммаси воқеликнинг қуюшқондан чиқиб кетишига сабаб бўлаяпти. Томошанинг биринчи фасли тугади. Ўйлаймизки, иккинчи фаслида масаланинг шу томонларига эътибор қилинади.

Маҳмуджон КАРИМОВ, Азимжон ИБРОҲИМОВ, Шокиржон ОРИПОВ.

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ШИФОКОР

Нажот тилаб нигоҳин тикар,
Сизга бемор қалбларнинг кўзи.

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Агар ушбу мухтасаргина битикларим газета юзини кўрса, бир Она сифатида менга қизимни—икки оламимни қайтариб берган инсон олдида озгина бўлса-да, маънавий қарзимдан қутулган бўлардим.

Бундан уч ой олдин бир ярим яшар қизим қизиб турган ёғдан қуйиб қолиб, оғир ҳолатда I-шаҳар клиник касалхонасига ётқизилди. Ўша оғир пайтда кўзимга фарзандимдан бошқа ҳеч ким кўринмади.

Шундай болани ўз бағримга қайтариб берган шифокордан бир умр миннатдорман... Ҳа бир умр...

Гап ким ҳақида ёки қайси шифокор ҳақида кетаётган экан деб қизиқаётгандирсиз. Сўз I-шаҳар клиник касалхонаси қошидаги қўйганларни даволаш маркази раҳбари, медицина фанлари доктори, фидойи инсон Иброҳим ака Ҳошимов хусусида боряпти.

Эл ишончини ўзининг ҳалол меҳнати билан қозонган Иброҳим аканинг қўлида менинг фарзандим каби юзлаб беморлар шифо топгани бор гап. У кишига айтадиган тилагим битта: Илоё, қўлингиз дард кўрмасин. Ҳамиша элнинг ардоғида юринг!

Лобар ЙЎЛДОШЕВА, Тошкент шаҳри.

ҲАР КИМ ЎЗ ЮРТИДА УЙҒОНАЖАК

Кўрган кишининг гувоҳлиги

Белорусь ва Россия Ҳамдўстлиги ташкил топганининг бир йиллиги байрами одатдаги кунлардек, алоҳида дабдабаларсиз ўтди. Москвада, икки мамлакат Президентлари, орадан бир йил ўтгач, Ҳамдўстлик бўлиб ташкил топадиган «Белорусь ва Россия иттифоқи ҳақида» қисқа тахминий битимга ҳамда Иттифоқ низомини қиёмига етказиш ва қабул қилиш масаласида Россия Федерацияси ва Белорусь Республикаси ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисидаги Меморандумга имзо чекдилар. Шу куни Минскда ОМОН ва интеграцияга қарши бўлганлар ўртасида тўқнашув бўлди. Натижада, фақатгина расмий маълумотларга кўра, 107 нафар фуқаро ҳибсга олинди, уларнинг кўпчилиги эртасига суд олдида ҳозир бўлдилар.

РАСМИЙ МАЪЛУМОТ

Белорусь Республикаси ва Россия Федерацияси иттифоқи мақсади икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги (ҳарбий ҳам киради) «биродарлик, дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш», халқлар турмуш даражасини кўтариш, миллий ҳуқуқий тизимларни яқинлаштириш, хавфсизлик ва мудофаа қобилиятини таъминлаш», дея баён этилди. Шунга қарамай, имзо чекилган шартнома ва меморандумдан келиб чиқиб ушбу иттифоқнинг аниқ «юрак уруши» хусусида хулосалар чиқариш мушкул, чунки иккала ҳужжат ҳам иккала мамлакат жамоатчилигидан пинҳон тутилган аллақандай низомга ишора этади. Мазкур низом муаллифларининг сўзига ишонишдан бошқа илож қолмайди.

Сўллар ва ўнглар Белорусь ва Россия иттифоқи тузилиши сабаблари ҳақидаги ўз нуқтаи назарларини Ельцинга ўтказишга уринганларида: «Шартномага имзо чекилган куннинг эртасигаёқ россияликлар бошқа мамлакатда уйғониши ҳақидаги тасдиқлар мавжуд вазиятга мутлақо тўғри келмайди, Россия ҳам, Белорусь ҳам ўз суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини сақлаб қолади», — дея тасдиқлади Президент ёрдамчиси.

Шунга қарамай, иттифоқ низоми лойиҳасини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш ва унинг пироварддаги натижаларини умумлаштириш учун Белорусь — Россия қўшма комиссиясини тузиш мўлжалланган. Иттифоқ низоми лойиҳаси ўн кун муддатда, яъни 12 апрелда расмий равишда эълон қилиниши ва шундан кейин унинг муҳокамаси бошланиши мўлжалланмоқда.

ХУРУЖ НУҚТАСИ

Айни пайтда Белорусда А. Лукашенко мухолифлари устидан бораётган суд жараёни давом этмоқда. Белорусь ва Россия иттифоқи ҳақида шартнома имзоланганига жавобан 2 апрелда ҳукумат рухсат берган, уч мингдан беш минггача киши қатнашган норозилик намойиши бўлиб ўтди. У тугаганидан кейин чамаси 300 нафар намойиш қатнашчиси тартибсиз равишда Россия элчихонаси томон йўналди, шунда ОМОН билан тўқнашув рўй берди.

Намойиш иштирокчилари Россия Федерацияси билан иттифоқ тузилиши Белорусь Республикасининг суверенитетига хавф туғдиришини жиддий қабул қилмаганликлари сабабли жуда ҳам кўп киши тўпланганини йўқ. 2 апрелда Белорусь Республикаси Президенти юргизаётган сиёсатга қарши бўлганлар Опера театри ёнига тўпландилар. Улар «Белорусь мустақиллигини ҳимоя қиламиз!» дея номланган аньанавий шиор остида ўтаётган ҳаракатлари учун бу имкониятдан фойдаландилар. Уларнинг аксар қисмини Белорусь халқ фронти тарафдорлари ташкил этарди, шунингдек, Бирлашган фуқаролар ва Белорусь социал-демократик партияси вакиллари ҳам бор эди.

Кўпчилик нотиқлар, Белорусь-Россия иттифоқи тузилиши ҳақида гапирганда, Россия раҳбариятининг демократик қисми таъсири ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслик Белоруснинг бир дамда Россия Федерацияси таркибига қўшилиб кетилишининг олдини олди, бироқ келажакда шундай хавф пайдо бўлишидан халос этолмайди, дея таъкидладилар. Россияга қарши шиорлар деярли бўлмади.

Намойишдан олдин рухсат берилмаган юриш бўлиб ўтган эди. Унда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари билан ҳамма ҳам кўп бўлмаган тўқнашув юз берганди, аммо унинг тугаши билан ҳақиқий муштлашиш бўлиб ўтди.

ЖАНГ МАЙДОНИ

Коммунистик ва Максим Богданович кўчаларининг чорраҳасида, Россия элчихонасининг ёнида намойишчилар сафини ОМОНчилар «девори» кутиб олди. Элчихонага кирувчи барча йўллар ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари томонидан тақа-тақ бекилган, кўчалар нисбати ҳам намойиш қатнашчилари фойдасига эмаслиги яққол кўриниб турарди.

Қайсидир дақиқада даҳанаки жанг «қуролли» қаршиликка айланиб кетди. Намойишнинг юзларини усталик билан ясиргани айрим иштирокчилари ОМОНчилар сафига ҳар хил нарсаларни, жумладан пиво шишалари, тош, подшипникларнинг темир шарларини ота бошлашди. ОМОНчилар эса гаврон билан жавоб қайтаришди.

Шундан сўнг намойишчиларни яқин орадаги ҳовли ва подъездларгача таъқиб этиб боришди. Амалда ОМОНчиларнинг «жонли ҳалқа»сига тушиб қолганларнинг ҳар бири роса калтакланар ва милиция машиналарига «юкланар» эди. Ушланганларга протоколь тузилиб, милиция бўлимларига етказишарди. Ҳеч нарсага аралашмагани очиқ-ойдин кўриниб турган ушланганларнинг бир қисмини қўйиб юбордилар, кўпчилик эса бир кунни қамоқда ўтказди ва 3 апрелда суд томонидан турли миқдорларда жарима тўлашга ёки маъмурий жазога тортилди.

Шу кун қон тўкилмаган (мен ўзим қонни кўрмадим) кун сифатида шахсан менинг хотирамга, орқаси йўқ уй шиппаги кийиб олган ўрта ёшлардаги эркакнинг ақлсизларча ҳайрат акс этган чеҳраси эса онгимга ўрнашиб қолди. У тиззалари «халта» бўлиб қолган «трико» кийиб, қўлида ахлат тўла челак тутган, уни каска ва бронижилет кийиб олган икки барзанги ОМОНчи «воронка» (машина)га судраб борардилар. Эркак челак балдоғини қўлида қаттиқ сиққан, ахлатни тўкиб қўйишдан қўрқар, мухолифат намойишига ўзининг алоқаси йўқлиги ва Президентга муҳаббати ҳақида нималардир дея ғулдирарди. Бунга жавобан устомона, ғунчалик қаттиқ бўлмаган калтак зарбалари унга тегиб турарди. Кейинчалик унга нима бўлгани менга номаълум.

КАСБ ХУСУСИЯТИ

Менга, шунингдек, 2 апрель куни яна бир бошқа воқеанинг гувоҳи бўлишга тўғри келди. Шу куни мен ҳамкасбим, «Товарищ» газетаси журналисти, XIII-чақириқ Олий Кенгаш депутати Валерий Щукинни уч ёки тўрт нафар ОМОНчи оёқлари билан тепаётганлигини, Валерий эса уларга қаршилик кўрсатмасдан ерда ётганлигини кўрдим. Кейинроқ у матбуот конференциясида ўзининг мафкуравий муҳолифлари бўлган Белоруссия Халқ Фронти (БНФ) ҳузурида гапира туриб бу ҳақда: «Товарищ» коммунистик газетаси муҳбирини Коммунистик кўчасида милиция калтаклаяпти...» деган фикр ҳаёлига тинчлик бермаганини айтди. Яхшиям югуриб келган бошқа журналистлар «тартиб посбонлари»ни уялтиришди, улар бўлса ўзларини оқлайтуриб, дарров ғойиб бўлишди.

Бу ҳолат намойишчиларни таъқиб қилишнинг биринчи оқими эди. Ундан кейин В. Щукинга ёрдам бермоқчи бўлганлар-бошқа бир оқим, илгариги якка ҳолда, беқарор бўлган ОМОНчилар ўрнига таниб бўлмайдиган ижрочи механизмлар оммасига дуч келишди.

Қандайдир мўъжиза туфайли бу механизмлар мени тез ва беозор тарзда «Жигули» машинасига улоқтиришди. Бошқалар, шу жумладан В. Щукиннинг ўзи, «Имя» ҳафтаномаси бош муҳаррири ўринбосари Ирина Хлип, унинг отаси ва кетма-кет ёпилган «Белоруская маладзёжная» ва «Радые 101,2» радиостанциялари ходими, музикант Владимир Давидовскийлар эса махсус «ўра»га тушиб қолдилар. Улардан фарқ қилган ҳолда кўчада ҳам, машинада ҳам мени қалтаклашмадилар; кечаси қамоқда ушлаб турмадилар, (айни чоғда ҳозирча) суд қилганлари ҳам йўқ ва буларнинг барчасидан кейин менга касалхонада ётишга тўғри келмади.

